



14 декабр № 2931-к Самарқанд т.-р. Самарқанд

Самарқанд туман "Қўлбаипоён" қишлоқ фуқаролар йиғини "Гулобод агротехсервис" фирмаси ҳудудидан фуқаро Мамадқулов Хуршедга музлатгич омборхонаси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа объектлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари амалдаги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил августдаги 357-сонли "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш бўйича қарорларни тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, "Шаҳарсозлик қўриқма" бош лойиҳа қидирув институтининг 2016 йил 09 августдаги 10-16/10-1119-сонли хулосаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 16-10-1119-сонли хулосаси ва фуқаро Рузиев Хусеннинг туман ҳокимлигига қўйган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман "Қўлбаипоён" қишлоқ фуқаролар йиғини "Гулобод агротехсервис" фирмаси ер харитасининг 402а контуридан фуқаро Мамадқулов Хуршедга музлатгич омборхонаси қуриш учун жами 0,3 га (шундан: 0,3 га туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида қолган ер майдони ажратилсин).
3. Фуқаро Мамадқулов Хуршед музлатгич омборхонаси бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат қўмитаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва 2017 йил 1 январь ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га таъминлансин.
5. Фуқаро Мамадқулов Хуршед томонидан "Ер кодекси"нинг 36-моддаси талаблари қўрилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Хўрбонув зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров